

**РАУФ ПАРФИНИНГ “ОНА ТУРКИСТОН” СОНЕТЛАР ТУРКУМИДА
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ СИЙМОСИ**

Дилрабо Қувватова

БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси профессори, ф.ф.д.

Тўраева Мохинур

БухДУ Ўзбек адабиёти кафедраси докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10934638>

Аннотация: XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётида кўплаб шеър, дoston, қисса, роман ва хотира асарлар ёзилди. Бу жараён, айниқса, лирикада янада ёрқин намоён бўлди. Мақолада шу жиҳатдан Рауф Парфининг “Она Туркистон” сонетлар туркуми шеърлари бадиий жиҳатдан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Абдулла Қодирий, сонет, монолог, образ, метафора, рамзийлик, аллитерация, таъхис, талмех.

**ПЕРСОНАЖ АБДУЛЛА КАДИРИ В ЦИКЛЕ СОНЕТОВ РАУФА ПАРФИ
«МАТЬ ТУРКЕСТАН».**

Аннотация: В узбекской литературе второй половины XX века было написано множество стихов, былин, рассказов, романов и воспоминаний. Особенно этот процесс проявился в текстах песен. В статье с художественной точки зрения анализируется цикл сонетов Рауфа Парфи «Мать Туркестан».

Ключевые слова: Абдулла Кадири, сонет, монолог, образ, метафора, символика, аллитерация, диагноз, тальме.

**ABDULLAH QADIRI'S CHARACTER IN RAUF PARFI'S SERIES OF
SONNETS "MOTHER TURKESTAN".**

Abstract: In the Uzbek literature of the second half of the 20th century, many poems, epics, short stories, novels and memoirs were written. This process was especially evident in the lyrics. The article analyzes Rauf Parfi's sonnet series "Mother Turkestan" from an artistic point of view.

Keywords: Abdulla Qadiri, sonnet, monologue, image, metaphor, symbolism, alliteration, diagnosis, talmeh.

КИРИШ

Замонавий ўзбек шеъриятида Абдулла Қодирийнинг лирик сиймоси яратилган асарлар кўпчиликини ташкил этади. Улар орасида Рауф Парфининг “Она Туркистон” сонетлар туркуми алоҳида аҳамият касб этади. Бу туркум А.Қодирий ҳақида ҳақ сўзни айтиш мушкул бўлган бир даврда – 1967 йилда ёзилган. Уч сонетни бирлаштирган ёник сатрлар Абдулла Қодирий монологи янглиғ жаранглайди. Айни замонда унда шоир қалби тубида яшириниб ётган дардлар ҳам қаламга олинган.

Биринчи сонет ку йидагича бошланади:

Хотираминг қаъри қаърида тарих,

Доим сўзлаб турар эзгин ҳикоя.

Тутқун қуш сингари қолурман ғариб,

Рухимда булутлар ташлайдир соя (1, 255).

АСОСИЙ ҚИСМ

Халқимизнинг узок ва яқин ўтмишида кечган воқеликлар, шоир таъбирича, эзгин ҳикоядир. Шу билан бирга бунда зукко китобхон улуғ адибнинг “Ўткан кунлар” тарихий романига ҳам ишорани сезиши ҳам қийин эмас. Лирик қаҳрамон ўзини “тутқун қушга” қийслапти. Ҳақиқатан, тутқун қуш қатағон муҳитида эзилган, озор чеккан Абдулла Қодрийдир.

Шу тарзда шоир ҳаёлидан чекинган “олисада милтираб турган шаъм, кўҳна ҳасратнинг машъум яраси” ҳақида фикр юрита бошлайди. Бу ифодада метафорик мазмун мавжуд. Сабаби, “олисада милтираб турган шаъм” Қодирийнинг орзу-умидлари ифодаси, “кўҳна ҳасратнинг машъум яраси” эса қатағон даврини акс этирган.

Кишанбанд қилинар қўлларим гўё,
Тупроққа қориша бошлайди танзим,
Шу қадар юраги тормидир дунё (1, 255).

Истиклол йилларида қатағонга учраган улуғ адиб ва шоирлар ҳақидаги ҳақиқатлар баралла айтила бошланди. Отахон адабиётшунос У.Норматов “Қодирийнинг сўнги илтижоси” номли мақоласи адиб ўлими билан боғлиқ тафсилотларни кенг ёритиши билан аҳамиятлидир. Бунда олим А.Қодирийнинг ўғли Масъуд ака хотираларига таянади. Хотираларнинг гувоҳлик беришича, бу мудҳиш ўлим воқеасига боғбон, ёзувчининг дўсти Миролим Миркомиллов шоҳид бўлган. Унинг Бўзсув дарёси бўйида боғи далган. А.Қодирий отилган 1937 йилнинг 4 октябрь кечаси у шу жойда бўлган ва боғ ортидаги жарликда тунда содир этилаётган нотинчликлар асносида қулоғига таниш овоз чалинган. Бу – Қодирийнинг овози эди. Миролим ота татар командири ва А.Қодирий суҳбатини эшитди. Улуғ адиб ўлими олдида командирнинг татар, яъни мусулмонлигини билиб, ундан сув сўраган ва икки ракат намоз ўқиб олишини илтимос қилиб сўраган. Командир бунга рози бўлган ва шундан сўнг ҳукм адо этилган (2, 232). Юқоридаги сатрларда ҳам шу тарихий воқеликка ишоралар мавжуд. Бинобарин, қўллари кишанбанд қилинган, тани тупроққа қоришган А.Қодирий тасвирида шоир англаган аччиқ ҳақиқат акс этган.

Қолаверса, “Ўзи юрагимга жо бўлди, аммо Нечун сиғдирмади, нечун Ватаним” тарзидаги ҳайқирикда чин ватанпарвар инсон сиймоси акс этиб турибди.

Иккинчи сонет ҳам юқоридаги сатрларнинг манتيкий давомидир. А.Қодирий ичини кемирган улкан дард юртни озод кўриш истаги эди:

Кўрингиз тарихни. Кўз олдим парда,
Кўлимдан учмоқда бу ер, бу Ватан...
Ошно тутинардим пўлат ханжарга...
Жанг майдони сари отилардим ман (1, 255).

Зеро, яқин тарихдаги воқеликлар, юз берган турли хунрезликларда А.Қодирийга ўхшаган халқнинг асл фарзандларининг эрк йўлидаги шонли курашлари, аянчли қисмати акс этган. Ҳақиқатан, адиб Ватанни ҳимоя қилиш учун қўлига пўлат ханжар тутишга тайёр фидойи. Бунда “кескир тош” ҳам А.Қодирийни ифода этмоқда.

Учинчи сонет хулосавий мазмунга эга:
Умр деганлари ўтмакда шошқин,
Тилла барглари элаб йўлимга.
Сенинг мангулигинг беради таскин,
Эрта узилгучи менинг умримга (1, 256).

Инсон умри шошқин дарёга қиёс. Тилла барг – шоирнинг бетакрор метафораси. Унда ҳаёт кузига ишора мавжуд. Ватаннинг абадийлиги, безаволлиги умри “эрта узилаётган” адибга таскин беради.

Ў, Она Туркистон, куйлайман ёниб,
Дунё журъатини бердинг қўлимга.
Мен энди англадим Туркий дунёни
Мана, мен тайёрман энди ўлимга (1, 256)

Бунда Она Туркистон учун қалбида катта журъатни жойлаб, ўлимга ҳам тик борган адиб сиймоси акс этиб турибди. Ватан шундай юксак туйғуки, уни тил билан куйлашнинг ўзи етарли эмас. Шу боис адиб уни “куйиб куйламак”ни истаydi.

ХУЛОСА

Юқорида таҳлил этганимиз сонетларда Абдулла Қодирийнинг юрт учун ёнган қалби манзаралари бадиий ифода этилган. Айни замонда улуг адиб юрагида армон бўлган сўнгсиз дардлар ва оғриқлар Р.Парфининг шоир қалбини ларзага солгани, уни туйғуларини жунбушга келтирган. Таъкидлаш керакки, Р.Парфи қўллаган ҳар бир метафора ва рамз А.Қодирий лирик сиймосини ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Адабиётлар рўйхати

1. Sulstonov I. Adabiyot nazariyasi. –Т.: О’qituvchi, 2002. 285-54-б
2. Қурононов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академ нашр, 2010. 158-56-б
3. У.Норматов У. “Қодирийнинг сўнгги илтижоси”. <https://kh-davron.uz/>
4. Рауф Парфи “Она Туркистон”. <https://kh-davron.uz/>